



ТАҚЛИДЧИЛИК – ИЖТИМОЙ ХОДИСА

Анвар Қодиров

Алфраганус университети профессори

Янги Ўзбекистонни барпо этиш, юсак тараққиёт ва аҳоли учун муносиб фаровон ҳаёт даражасига эришиш жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳаётнинг барча соҳаларида эришилган ютуқлардан самарали фойдаланишни талаб қилади. Кухна тарих гувоҳлик беришича, барча халқлар учун бу дастлаб муайян орзу шаклида бўлган. Бу хусусда Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев “Америка орзуси”, “Буюк Британия орзуси”, “Япония орзуси”, “Хитой орзуси” деган тушунчалар мавжудлиги бунини яққол тасдиқлайди (1.14), деб таъкидлайди.

Инсон зоти доимо муайян мақсад ва орзу билан яшайди. Муайян халқ ёки ҳудуд аҳолисининг асрлар давомида шаклланган ва муштарак орзу-умидларини ифода этадиган бундай тушунчалар замирида теран маъно-мазмун мужассам экани шубҳасиз. Орзу-мақсадга эришиш жамият томонидан уз тарихий тажрибаси, маданий-маънавий мероси ва миллий менталитети хусусиятлари асосида кечади. Фалсафий жihatдан караганда ички ва ташқи, объектив ва субъектив омиллар диалектик бирлиги тараққиёт асосини ташкил қилади. Ёввойи, тақир, буш ерда ҳеч нарса қарор топмайди.

Дастлаб мустақил тараққиёт йулига қирган мамлакат жаҳон ҳамжамияти томонидан узок тарихий вақт давомида эришилган сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ва маданий-маърифий ютуқларни узлаштиради.

Шундай ютуқлардан бири-демократия умуминсоний ғоясидир. Ушбу ғояни узлаштириш, шахсий ва ижтимоий ҳаётда қарор топишига эришиш дастлаб осон кечмайди- утмиш тузум даврида шаклланган ва одат тусига қирган тушунчалардан шахс ва жамиятни қиска даврда воз кечиши осон кечмайди- менталитетдаги стереотиплар янгиликка қаршилик қурсатади. Постсовет ижтимоий маконида жамият демократиялашувининг секин кечишини шу билан изохлаш мумкин. Давлат қурилиши ва бошқаруви билан боғлиқ муҳим стратегик режа ва орзу -умумэътироф этилган ҳокимиятлар бўлиниши билан боғлиқ ҳуқуқий концепциянинг ҳаётда қарор топиши тақдири ҳам айнан



International Conference on Scientific Research in Natural and Social Sciences

Hosted online from New York, USA

Website: econfseries.com

2nd February, 2025

шундай кечади-эски жамиятдан бир сакраб янги, демократик жамиятга утиб булмайди, ушбу концепция ишлашининг мухим мезони- хокимиятлар уртасидаги узаро сиёсий коммуникация талаблари булиб, рус машхур масалчиси И.Крилов таъбири билан ифодалаганда “Оккуш, кискичбака ва чуртан балик” эффекти кузатилади. Бизнингча, бу жараён дастлабки боскичда таклидчилик шакли ва узанида кечади. Маъмурий буйрукбозликка, хар кандай эркин фикр ва фаолиятга урин бермайдиган сиёсий бошқарув даврида шаклланган менталитет тузум узгариши билан дарров узгариб колмайди.

Таклидчилик ёки “демократияни кувиб бориш” стратегияси миллий мустакилликка эришган ёш мустакил, ривожланаётган давлатларининг кисматидир. Буни жамият ҳаётининг деярли барча жабхаларида кузатиш мумкин. Афсуски, буни жамият юксалиши, ижтимоий “локомотиви”-илм-фан соҳасидаги таклидчилик, нимаики гарбона булса унга кур-курона таклид килиш, Ўзбекистон қаҳрамони, адибимиз Саид Аҳмад киноя билан “Нимаики гарбона булса-хуроз кандни ялагандек, ётиб олиб ялаш” Янги Ўзбекистонни барпо этиш учун ярамайди.

Таклидчилик бугунги кунларда оммалашмокда ва салбий ижтимоий ходисалардан бирига айланиб бормокда, унинг энг экстремистик куриниши-кучирмакашлик ёки “плагиат”дир. Плагиат ходисаси нафакат илм-фан соҳасида балки санъат, таълим, курилиш, реклама ва бошка соҳаларда кенг ёйилмокда. Антиплагиат дастурларга талаб ортиб бораётганлиги ҳам бежиз эмас-конунчилигимизда унга карши конун- “Муаллифлик ҳукуки тугрисида”ги конун яратилди. Шунга, айрим мутасадди ташкилотлар хануз Ғарбга таклидчиликни давом эттирмокдалар Ғарб маданиятини мамлакатимиз тараккиёти учун андоза, мезон деб баҳолашни давом эттирмокдалар.

Бундай ноўрин тенденцияни таникли адибларимиздан олим Раҳмон Қучкор афсус билан қуйидагича ифодалайди: “Scopus ва бошка халқаро руйхатларга кирган журналларда макола чиқармасангиз, сизнинг илмий ишингизни-ўзингиз Искандар, устозингиз Арасту бўлмайдами!-биров сариқ чақага олмайди”(2.12). Ғарб таълим тизимига кўр-кўрона таклид килувчи айрим



мутасаддиларнинг бундай сиёсати усиз ҳам ортда колган илмий савиямизни яна-да ортга тортади, мамлакат илмий юксалишига гов булади.

Мустабид совет даврида рус тилини билиш-илм-фан соҳасигага кадам куйиш, илмли булиш учун асосий мезон эди. Натижада канчадан-канча халкимиз истеъдодли ёшлари фан соҳасидан бебахра булишди, ручка-каламни эмас, белкуррак ва кетмонни соҳибига айландилар, халкимизнинг мустамлакачиларгани янада ортишига сабаб булди. Иложи булса рус булиш, русча турмуш тарзи ва менталитетига эргашиш айрим мансабпарастлар учун кулай имконият эди. Ўзбек тилини давлат тили мақомига эришилганига чорак аср булган булса-да хануз жамият жаётида қарор топа олмаганлигининг сабаби ҳам, бизнингча, ана шундадир. Тили орқали унинг ёт маданиятига, турмуш тарзига қур-қуруна тақлид қилиш қандай оқибатларга олиб қелиши мумкинлиги ҳақидаги хулосани шу қунларда таваллудининг 150 йиллиги кенг нишонланаётган буюк жаҳид бобомиз Махмудхужа Бехбудий узининг шох асарларидан бири-“Падарқуш” драмасида моҳирона тасвирлаган эди(4.).

Тақлидчилик меёридан ошса, у салбий оқибатларга олиб келади. Тақлид қилиш, ҳавас қилиш, ижобий фазилатларга эга булишга интилиш-азалий инсоний қадриятдир. Халқ оғзаки ижоди, бадиий адабиёт, тасвирий санъат, театр, қаҳрамонлар образи инсонни юксалтиради, мислсиз тарбиявий аҳамиятга эга(3.). Халкимизнинг бой маънавий меросисиз ижтимоий юксалиш, тараққиёт мумкин эмас. Бирок у меёрида булиши керак.

Тақлидчилик ўз-ўзидан юзага келмайди-унинг ортида айрим ривожланган давлатларнинг миллий манфаатлари, хусусан космополитизм ғояси ётади. Буни “Оммавий маданият” қуринишида қузатиш мумкин. “Оммавий маданият”нинг асосий нишони-ёшлардир(4.). Ёшлар ўз ёш хусусиятига қура тақлидчан, қизиқувчан буладилар. Уларда ҳаётий тажриба етарли булмаганлиги сабабли улар нарсаларнинг мазмун-моҳиятига эмас, қупрок намоён булиш шакли, қиёфасига эътибор қаратадилар. Бугун геосиёсатда жамиятнинг ёшлар қатлами онг ва тафакқурини муайян мақсадларга йуналтиришга қаратилган нерв-психологик дастурлар ва технологиялар яратилган. У ёки бу давлат ижтимоий барқарорлигини бузиш, “рангли



инкилобий"вазиятларни шакллантириш учун асосан жамиятнинг ёшлар катламига ургу берилади.Шунинг учун бугунги кунларда медиа макон,информацион технологияларнинг тобора кенгайиб бораётган шароитларда,турли ижтимоий сайтлар оркали ёшлар учун жозибали турли "шоу"лар таклиф қилинаётган паллада ахборот-психологик хавфсизлик масалалари давлат сиёсати даражасида булмоғи керак(3.).

XXI асрда икки қутбли жахон сиёсий тартиби барҳам топиб,қўп қутбли жахон сиёсий тартиби қарор топаётган шароитларда таклидчилик геостратегик аҳамият касб этиб боради,космополитизм,"Global village", "юмшоқ қуч" сиёсий стратегияси қучайиб, ижтимоий барқарорликка турли хавфларни шакллантиради. Бу шароитда миллий идентитлик,миллий узликни сақлаб қолиш масаласи тобора долзарблашиши қутилмоқда. Ушбу мақола доирасида бу ҳақда батафсил тухташ имконияти йук.Бирок шу нарсани таъкидлаш зарурки, қандайдир беозор,аҳамиятсиздек бўлиб қуринган таклидчилик масаласи бошқарилмаса,уни меърий узанга бурилмаса,ёшларга оид давлат сиёсатида миллий суверенитетимизга нисбатан "lost generation" эффекти юзага чиқиши,бекиёс қуч сарфланаётган ижтимоий барқарорлик,миллатлараро ва динлараро толерантлик муҳити хавф остида қолиши мумкин.Зеро,миллий юксалиш,ижтимоий тараккиёт мамлакат раҳбари минг қарра таъкидлаганидек,илм ва тафаккур ривожланиши асосида бўлади(1). Турли ижтимоий зарарли ходисаларни,жумладан, қаддан қиёд таклидчиликни олдини олиш нафакат қузлаган Янги Ўзбекистонни яратишдек буюқ халқ орзусини ушалишига,балки халқимиз эришган суверенитетимизни янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР

- 1.Ш.Мирзиёев.Янги Ўзбекистон Тараккиёт стратегияси.-Т.: "Ўзбекистон",2022.-416 б.
- 2.Раҳмон Қучқор.Илохий мувозанат бузилганда.//Тафаккур. 2020.2-сон.
- 3.Тилаб Махмуд.Қомиллик асрорлари.-Т.: "Адолат",2006.-96 б.
- 4.Абдурашидов З.Бехбудий.Рисола.-Т.: Ёшлар нашриёт уйи.2022. -136 б.